



“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЮЗАСИДАН АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 январь куни жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, 2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти камда 5 фоиз ўсиши мақсад қилинган. Бироқ глобал иқтисодиётдаги ноаниқлик узоқ давом этиши мумкинлиги иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилишни талаб этмоқда.

Шу боис, Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди.

Иқтисодий комплекс вакиллари маҳаллага тушириб, вертикал тизимни, барча органлар фаолиятини ўзаро мувофиқ йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бу тизимга жалб қилинадиган мутахассисларнинг билим ва имконияти масаласига алоҳида эътибор қаратди. 20 мингдан ортқ ходимни ўқитиб, уларга масалани жойида ҳал этиш бўйича барча ваколатларни бериш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат бошқаруви академиясига маҳалла раислари ва мазкур тизимда иштирок этадиган барча ходимлар учун ўқувлар ташкил қилиш, бунинг учун

махсус дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ҳар бир раҳбарнинг мазкур тизимдаги шахсий масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш, барча жараёнларга қўмаклашувчи онлайн электрон платформа яратиш зарурлиги таъкидланди.

Президент камбағалликни қисқартириш масаласига яна бир бор тўхталиб, мутасаддиларга аҳолини тadbirkorлик ва касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги раҳбарлари 2021 йилда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд кесимида иқтисодий ўсишнинг қўшимча манбалари тўғрисида ҳисобот берди.

Йиғилишда ушбу резервларни тўлиқ ишга солиб, қўшимча иқтисодий ўсишга эришиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш чоралари қўриб чиқилди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлишини таъминлаш, нарх ошишига таъсир кўрсатадиган омилларнинг олдини олиш масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

Саноатда ҳам қўшимча резервлар аниқланган. Айниқса, етакчи соҳалар бўлган кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-поябзал соҳаларида “саноат

занжирлари”ни узайтириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йирик давлат корхоналарини трансформация қилиш, харажатларни ва бошқарув тизимини оптималлаштириш бўйича вазифалар қўйилди.

Хизматлар соҳасида ҳам ишга солинмаган имкониятлар кўп. Президентимиз уларни тўлиқ сафарбар этиб, ҳудудларда сервис шохобчаларини кўпайтириш, янги замонавий хизмат турларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. 2021-2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига ёшлар кенг жалб этилиши белгиланди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари иқросига ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида 1 минг 752 та объект учун қарийб 18 триллион сўм бюджет маблағлари ажратилган. Бу маблағлардан оқилона фойдаланиш, лойиҳа ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ва қурилишлар сифатини таъминлаш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар иқтисодий комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг ўрта ва қўйи бўғини маҳаллага тушириб, аҳолига яқинлашган иш тизимини йўлга қўйиш режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



ШАҲДАМ ҚАДАМ ТАШЛАР БУНДА БУЮК ТЕМУР ВОРИСЛАРИ

Кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг илмга қизиқишини ошириш, таълим сифатини кучайтириш, ҳар бир ёшнинг қобилиятини намоён этишига шароит ва имкониятлар яратишдан иборат.

Президентимизнинг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори моҳиятида ҳам шу згу мақсад мужассам.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев жорий йил

12 январь куни Қуролли Қучлар ва ҳарбий маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якуналари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам ҳарбий кадрлар тайёрлаш, хусусан, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади. Уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида Ватанга меҳр ва

садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодларимизнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Юқоридаги қарорга асосан, Шахрисабз шаҳрида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи ташкил этилди.

— Энди Ўзбекистон қутқарув қучлари сифат жиҳатидан янги шароитларда тайёрланади, — дейди Президент маслаҳатчиси, фавқулодда вазиятлар вазири Турсинхон Худайбергенов. — Бу жараёнда асосий эътибор кадрлар тайёрлашнинг дастлабки бўғинига қаратилади.

► Давоми 3-бетда

ИНТЕРВЬУ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлари иқтисодиётида ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказди. Табиийки, бу жараён Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Президентимиз раислигида жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда иқтисодиётни кўтариш, аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, 2021 йилда мамлакат иқтисодиёти камда 5 фоиз ўсиши мақсад қилинган. Бироқ глобал иқтисодиётдаги ноаниқлик иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилишни талаб этмоқда.

► Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ХАЛҚАРО ФОНД БОЗОРИГА ОЧИЛГАН ЙЎЛЛАР

инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида бажариш, юртимизнинг сармоявий жозибадорлигини ошириш имконини яратади



Вақт оқар дарё деган иборани тез-тез қўлаб турамыз. Бу — умрнинг тез суъратларда ўтиб кетаётганига нисбат берилган азалий ҳикмат. Мақдун унумли ва мазмунли фойдаланиш, ҳар бир дақиқанинг кадрига етиб яшаш аждодларимиз ва бугунги авлод учун ҳам бирдай долзарб бўлиб келган, шундай бўлиб қолаверади.



Гидроэнергетикаларимиз томонидан айти шу жараёнда дарёю сойларимизда оқаётган сувлардан оқилона фойдаланиб, янада кўпроқ электр энергияси ҳосил қилиш, станцияларни модернизациялаш, янгидан-янги самарадор лойиҳаларни хорижий шериклар билан ҳамкорликда ўз вақтида ишга тушириш устида иш олиб бориляпти.

— Бугунги кун шиддати жўшқин дарёларникидан устун бўлса, устунки, асло кам эмас, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуғани САНГИНОВ. — Бундан тўрт йил олдин ислохотлар харитасини белгилаб берган Ҳаракатлар

стратегияси, таъбир жоиз бўлса, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига янгилаш ниҳолларини эккан бўлса, уларнинг интенсив ривожини ўз медаларини бера бошлади. Агар коронавирус деган бало-қазо бошқа мамлакатлар қатори бизни ҳам мураккаб қийинчиликларга рўбарў қилмаганида, Бухоро ва Сардобадаги табиий ҳамда техноген офатлар рўй бермаганида, ўтган йилги муваффақиятлар янада улкан ва салмоқли бўлиши айти ҳақиқат эди. Лекин шунга қарамай, жаҳоннинг нуфузли молиявий ташкилотлари эътироф этаётганидек, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

► Давоми 2-бетда

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан

✓ **2021 йилдан бошлаб тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.**

✓ **“Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий қўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилади.**



✓ **2021 йилдан бошлаб маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади. Бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади.**

✓ **Ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шугулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.**

✓ **Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка қўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.**

✓ **Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб янги йилга тизим жорий этилади. Унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси**

3 баробар оширилади ва бунда

6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ХАЛҚАРО ФОНД БОЗОРИГА ОЧИЛГАН ЙЎЛЛАР

инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида бажариш, юртимизнинг сармоявий жозибадорлигини ошириш имконини яратади

Бошланиши 1-бетда



қўшаётган салмоқли ҳиссасини кўрсатиб турибди.

Юртимизда 430 дан ортиқ каттаю кичик дарёлар мавжудлиги, уларнинг умумий узунлиги 127 минг километри ташкил этиши мактаб ўқувчисига ҳам яхши маълум. Айниқса, кичик дарёлар электр энергиясини ҳосил қилишда беминнат манба ҳисобланади. Табиатнинг мазкур инъомидан фойдаланиш учун уларда кичик ГЭСлар қуриш энг самарали йўналишлар сирасига киради. Қолаверса, олис масофадаги ва етиб бориши қийин, узатиш линияларини етказиш имконияти чекланган ҳудудларда бундай электр станциялари жуда асқатади. Кичик дарёлар, каналлар, сув омборларидан тушадиган сув ўзанлари бунинг учун қўлай манба саналади.

МикроГЭС халқаро стандартларга кўра, асосан қуввати 0,1 кВтдан 1000 кВтгача бўлган гидроэнергетик қурилма бўлиб, у турбина, тасмали ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан иборат. Гидротурбиналар тез оқим туфайли қувват ҳосил қилади. Сув қанча тезроқ оқса, у ҳам шунча кўпроқ электр қувватини ишлаб чиқаради, қурилиш жараёнида бу фойдаланиш даврида табиий ландшафт ва атроф-муҳитни бузмайди. Сув сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, яъни асл табиий хусусиятини йўқотмайди. Ихчам ГЭСлар ҳар жиҳатдан фойдаланиш ва нисбатан арзон электр энергияси ишлаб чиқаришда қўл келади.

2017 йилга келиб, мамлакатимизда дарё ва сув омборлари ёнида 36 та каттаю кичик гидроэлектр станцияси фаолият кўрсатарди. Энг ачинарлиси, уларнинг аксарияти ўтган асрнинг 50-60-йилларида барпо этилган, техник жиҳатдан ва маънан эскирган эди.

Ана шундай мураккаб бир пайтда,

2017 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Ўзбек-гидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, унинг зиммасига 2017-2021 йиллар давомида янги ГЭСларни бунёд этиш, мавжудларини модернизация қилиш вазифаси юклатилди. Ана шу жараёнда тизимдаги бутун ҳужалиқлар хатловдан ўтказилди.

Илмий ва амалий таҳлиллар янги ГЭСларни қуришда ҳам, мавжудларини модернизация қилишда ҳам наинки минтақада, балки жаҳон андозаларига мос технологиялардан фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу ишларга халқаро молиявий муассасаларнинг узоқ муддатли имтиёзли маблағларини жалб этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилганидир.

2018 йилда Жиззах вилоятида Зомин сув омборида 200 кВт қувватга эга микроиншоот, 2019 йилда юртимизда айни Наврўз айёмлари давом этаётган кезда Туябўғиз сув омбори қошида ишга туширилган кичик ГЭС бу борада рўёбга чиқарилган дастлабки лойиҳалардан бўлди. Туббўғиз ГЭС жуда қисқа фурсатда — ўн тўрт ой давомида қуриб битказилди. Илгарилари бундай станцияни барпо этиш учун камиди уч йил вақт сарфланар эди. ГЭСнинг умумий қуввати 11,4 МВтга тенг бўлиб, ҳар бир жараён “ақли” (“smart”) электрон қурилмалар томонидан бошқарилади. Бу, йилгига ўртача 41,2 миллион кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 1 минг 600 та хонадоннинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди, дегани.

2017-2019 йиллар давомида “Шахрихон ГЭСлар каскади” унитар корхонасига қарашли 2 та ГЭС, “Қодирия ГЭСлар каскади” таркибидида ГЭС-3, “Қуйи Бўзсув

ГЭСлар каскади” нинг ГЭС-14 ва “Тошкент ГЭСлар каскади”даги ГЭС-9 сингари иншоотларда олиб борилган модернизация ишлари муваффақиятли тарзда амалга оширилди.

— Модернизациянинг асосий мақсади иншоотнинг электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини ошириш, электротехник, гидромеханик ва гидротехник қурилмаларининг ишончли ишлашини таъминлашга қаратилади. Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Биргина рақамга эътибор қаратайлик. Модернизация жараёнида эски ГЭСларни замонавий ускуналар билан тўздан қайта жиҳозлаш натижасида уларнинг қуввати камида икки баравар ортади. Шунингдек, бир қатор станцияларда мавжудлари ёнига қўшимча равишда янгилари ҳам ўрнатилмоқда. Натижада яна ўн минглаб аҳолини, корхона ва хизмат кўрсатиш субъектларини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш имконияти юзага келяпти.

2020 йилда умумий қуввати 118,3 МВт бўлган 6 та янги қурилиш ва модернизациялаш лойиҳалари фойдаланишга топширилди, қўшимча 543 миллион кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилди. Мавжуд лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 88 та янги ишчи ўрни яратилди.

Табиийки, пандемия сабаб дунёда ишлаб чиқариш ва инвестиция оқими кескин камайишининг рўй бериши “Ўз-

бекгидроэнерго” АЖнинг ҳам режаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Айрим лойиҳаларнинг бироз кечикишига сабаб бўляпти.

Мурожаатномада таъкидланганидек, “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ sanoat тармоқлари, шу жумладан, “яшил энергетика”нинг иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун етарли шароитлар мавжуд. Бунга шомол электр станцияларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар аққол мисол бўла олади.

Яна бир маълумот, жамиятимиз томонидан 2017 йилда республикада биринчи марта Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган шомол электр станцияси фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 2021 йилда умумий қуввати 993,0 МВтга тенг бўлган 16 та, 2022 йилда 931,2 МВт.лик 15 та, 2023 йилда 1 002,2 МВтдан иборат 18 та янги инвестициявий лойиҳалар устида иш олиб борилиши режалаштирилмоқда.

— Яна бир устувор йўналиш бу — иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жорий этишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш масаласи. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислох қилиш дастури амалга оширилмоқда. Шу жумладан, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳам халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Мутахассисларнинг билим ва малакаси, электр станцияларнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмаслиги ҳисобга олинган ҳолда, бу жараёнга халқаро нуфузли банклар ҳамда тан олинган компанияларни кенг жалб этиш кўзда тутилмоқда.

— Аслида, бу жуда тўғри йўл. Бу борада, энг аввало, “ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари” халқаро стандартини татбиқ этиш қўл келади. Чунки мазкур тизим энергия самарадорлиги ва тежаскорлигини таъминлашга қаратилган дунёдаги энг мақбул услубни ўзида мужжасам этган. Ушбу талаб 60 дан ортиқ мамлакатнинг энергетика менежменти экспертлари томонидан ишлаб чиқилган ва бу билимларнинг кундалик фаолиятга татбиқ этилиши энергия самарадорлиги ва экологик таъминоти мувофиқлигини таъминлаган ҳолда харажатларни қисқартиради.

Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи

технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбек-гидроэнерго” АЖ таркибидидаги унитар корхоналарда “ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари” халқаро стандартини жорий этиш бўйича саккиз бошқичли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ишлар сертификатлаштириш бўйича масъул ҳисобланган “Management Certification” халқаро ташкилоти ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилди.

Бундан ташқари, 2020 йил март-апрель ойлари мобайнида 13 та электр ишлаб чиқариш корхонасида аудит ўтказилиб, аниқланган камчиликлар мазкур жараён якунига қадар бартараф қилинди, зарурий тузатишлар киритилди. Пировадидида, мамлакатимизда биринчи марта Тошкент, Самарқанд, Шахрихон, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Бўзсув, Чирчиқ ГЭСлар каскади унитар корхоналари ва бир қатор ГЭСлар O’zStd ISO 50001:2019 “Энергетика менежменти тизими. Қўллаш бўйича талаб ва йўриқномалар” миллий мувофиқлик стандартлари ҳамда шу борадаги халқаро сертификатларга эга бўлди.

Жамиятнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини аниқлаш мақсадида 2020 йил июнь ойида жаҳонга машхур, халқаро бозорда Ўзбекистоннинг евробондларини joyлаштиришга катта ҳисса қўшиб келатган “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги билан шартнома имзоланди.

Агентлик томонидан Жамиятнинг нафақат молиявий-иқтисодий ҳолати ўрганилди, балки унинг корпоратив бошқарув тизими, бизнес стратегияси, ички норматив ҳужжатларнинг юритилиши ва бошқа йўналишлар чуқур таҳлил қилинди. Бунинг натижасида, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ республикаимизда ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб “Fitch Ratings” халқаро кредит рейтингининг “В+” (барқарор) даражасига сазовор бўлди.

Мазкур рейтинг “Ўзбекгидроэнерго” АЖни жаҳоннинг нуфузли инвестиция бозорларига аниқ ва равшан бизнес стратегиясига, шаффоф молиявий ҳисоботларига ва кучли корпоратив бошқарув тизимига эга дастлабки ўзбек ишлаб чиқарувчи корхонаси сифатида танитди. Бу, ўз навбатида, Мурожаатномада эътироф этилганидек, келгусида “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг иқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб қилиш, ўз евробондларини Лондон фонд биржасига joyлаштириш имкониятини беради. Айни кезде халқаро сифат кафолати дунёнинг ҳар қандай инвестори учун инвестиция эшикларини очади.

Жамият ушбу ютуқ ва муваффақиятлар билан чегараланиб қолмасдан, рейтинг даражасини янада юксалтириш ва уни барқарор сақлаб қолиш йўлидаги фаолиятини изчил давом эттиради.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган истиқболли лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши юртимиздаги юз минглаб хонадонларни нурафшон этади, кенг аҳоли қатламларининг маъиший эҳтиёжларини қондиради, қўллаб бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

ИНТЕРВЬЮ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини таъминлаш — устувор вазифа

Бошланиши 1-бетда

Давлат бошқаруви академиясига маҳалла раислари ва мазкур тизимдаги барча ходимлар учун ўқувлар ташкил қилиш, бунинг учун махсус дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Президентимиз камбағалликни қисқартириш масаласига яна бир бор тўхталиб, мутасаддиларга аҳолини тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Сандқаҳқор ХОЛЖЎЖАЕВ,
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари:



— Давлатимиз раҳбари жорий йилда маҳаллалар билан ишлашда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда ушбу комплексга кирувчи бир қанча тижорат банкларининг вазифасини, ишни қандай ташкил этиш лозимлигини қайд этиб ўтди.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш энг устувор йўналиш сифатида белгиланди. Маҳаллалар, ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шу билан бирга, янги тадбиркорлик субъектларини

яратишга қўмаклашиш ҳам муҳим масала эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳар бир маҳаллада яшаётган аҳолининг ижтимоий ҳолатини ўрганиб, уларни яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга кўрсатма берилди. Йиғилишда буни қандай ташкил этиш, маҳаллаларда ишлаш бўйича кимларни жалб этиш ва улар нима иш билан банд бўлиши борасидаги барча масалаларга тўхталиб ўтилди.

Ташкил этиладиган ўқувлар, “маҳаллабай” ишлашнинг тизимли чораларини қўриш ва унинг назоратини юритиш бўйича кўрсатмалар берилди. Белгиланган ишларни сифатли ташкил этиш ва ижросини таъминлаш олдимиздаги энг муҳим вазифадир.

Шундагина “маҳаллабай” ишлаш тизимининг назарий, услубий асосларини яратамиз, шу билан бирга, унинг амалий жиҳатдан самарали бўлишига эришамиз.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири — илм-фанга эътибор қаратиш. Академия профессор-ўқитувчилари академияда ўтириб эмас, ҳудудларга, маҳаллаларга бориб ишлаши, “ўсиш нуқталари”ни аниқлаши, оддий тил билан айтганда, маҳалла раиси, маҳалладаги тадбиркорлар ва тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ёшлар, аёллар билан суҳбатлар ўтказиши лозим.



Ботир ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари:

— Янги тизимнинг асосий мақсади — тадбиркорлар ва аҳоли муаммоларини энг қуйи қисмдан, яъни маҳалладан бошлаб аниқлаш ва унинг ечимини топишдан иборат. Биз камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни режалаштирдик.

Ҳар бир раҳбарнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш, барча жараёнларга қўмаклашувчи онлайн электрон платформа яратилиши муҳим янгиллик бўлди.

Президентимиз Марказий банк ва банклар олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун барча имкониятларимиз бор.



Адҳам БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори:

— Йиғилишда иқтисодий комплекс вакилларини маҳаллага тушириб, вертикал тизимни, барча органлар фаолиятини ўзаро мувофиқ йўлга қўйиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат бошқаруви академиясининг шу кунгача фаолиятидаги энг катта камчилиги — маҳалла институти фаолиятининг яхши ўрганилмаганидир. Бу борада назарий билимлар ривожлантирилмаган, илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Президентимиз бу соҳада катта тадқиқот ишларини олиб боришимиз зарурлигини айтиб ўтди.



ЖАРАЁН


Бўлажак божхоначиларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш — замон талаби

Восид ЭРГАШЕВ, Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бошлиғи, божхона хизмати подполковниги, профессор

Дунё мамлакатлари ўртасида кечаётган иқтисодий ҳамкорлик масалалари доираси тобора кенгайётган бир вақтда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига қўмаклашишда иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуролланган замонавий дунёқарашга эга божхоначиларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

билан бир қаторда, божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, божхона органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият ва чегара божхона постларида божхона назорати, суриштирув йўналишлари бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, божхона ходимларининг амалий кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни назарда tutuvчи малака ошириш курслари ташкил этилмоқда. Шунингдек, божхона органлари раҳбар кадрларини тайёрлаш учун ўқув муддати 3 ойдан иборат бўлган "Божхона менежменти" олий курслари жорий этилди.



Курсантларда тахлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга йўналтирилган, асосан, мутахассислик фанларидан ташкил топган замонавий таълим стандартларини ва сифат жиҳатидан янгилашга йўналтирилган ўқув жараёни амалиётга йўналтирилган ўқув жараёни шакллантирилди.

Амалий машғулотларни бевосита Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган божхона постларида ташкил этиш механизми яратилди

ҳамда дарс машғулотларида Давлат божхона қўмитасининг етакчи мутахассисларини жалб этиш орқали тайёрланаётган кадрларнинг амалий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, 2019 йилнинг декабрь ойида Божхона университетлари халқаро тармоғи — INCUGA аъзо бўлганимиз тармоқнинг илғор тажрибалари, жумладан, божхона йўналишида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари, халқаро конференция ва симпозиумлар ҳамда таълим жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ турли халқаро тадбирларда иштирок этиш имконини беради. 200 дан ортиқ аъзо ва филиалларга эга бўлган халқаро нотижорат ташки-

бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича яқинда ўтказган видеоселектор йиғилиши институтимизда маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни янада тизимли ва самарали ташкил этишга катта туртки бўлди. Шу ўринда айтиш жоизки, 2020 йилда 70 дан ортиқ маънавий-маърифий, шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиявий тадбирлари ташкил этилди.

Бу каби тадбирларни мунтазам равишда Бош прокуратура, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказиб келямиз.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида курсантлар ўртасида китобхонлигини кенг тарғиб этиш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам жиҳдий эътибор қаратилди. Хусусан, улуғ мутафаккир Алишер Навоий, буюк давлат арбоби ва саркарда, адиб ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирийнинг таваллуд саналари муносабати билан 10 дан ортиқ ижодий кеча ташкил этилди.

Институт офицери, сержант ва курсантларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда офицер ва курсантларнинг насрий ва назмий ижод намуналаридан иборат "Қалб гавҳарлари" номли тўплам ҳамда курсант М.Темировнинг "Ўйрим баҳори" номли шеърый тўпلامини чоп эттирдик. Институтда "Янги аср авлоди" ва "Ўзбекистон" нашриётлари билан ҳамкорликда қўллаб-қўллаб китоб яримақлари ташкил этилди. "Мени ўзгартирган китоб" онлайн танлови эса курсантларимиз орасидан янги-янги иқтидорларни кашф этишимизга хизмат қилди.

2021 йилда бу каби тизимли ишларимиз салмоғини янада қўлайитиришга киришганимиз баробарида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан айрим тақдирларини айтиб ўтганини жоиз топдим.

Жумладан, ҳарбий-тарихий фестивалларни ташкил этиш орқали Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шохрух ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк аҳдодларимизнинг ҳарбий ва маънавий жасоратларини ёшлар онгига чуқур сингдиришга эришимиз мумкин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тарихий ва ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида ёзилган насрий ва назмий асарлар танловини ўтказиш эса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини кучайтиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, "Мен шу юрт фарзандиман" руқнида туркум курсатувлар ташкил этиш, "Авлодлар учрашуви" лойиҳаси асосида барча таълим муассасаларида эл-юрт хурматиға сазовор бўлган фахрий авлод вақиллари билан ёшларнинг учрашувларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда. Бундан ташқари, ёшларнинг ижодий фикрларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ватан тараққиётга менинг ҳиссам" лойиҳасини амалга оширишни режалаштирганимиз.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, глобаллашув ва интеграция жараёнилари ривожланишининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси божхона органлари олдидаги долзарб вазифа халқаро қоидалар ва нормаларга мувофиқ, божхона назорати ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солиш бўйича халқаро стандартлардан самарали фойдаланиш, мамлакатимизнинг халқаро етказиб бериш занжирини рақобатлаштириш имкониятларини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларга, энг аввало, олий таълим мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш орқали эришимиз мумкин.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЙИРИК КОРХОНАЛАРДА ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИ ОРТМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Сўнгги йилларда юртимизда хусусий мулкка эга бўлишнинг ўзига хос шаффоф тизимини яратишга эътибор ортиб борапти. Орамизда электрон аукционларда иштирок этиб, қисқа вақтда, ҳеч қандай тўсиқларсиз ер майдонлари ёки хусусий мулк объектларига эга бўлаётганлар оз эмас.



Бир вақтлар давлат улуши катта бўлган йирик корхоналарга жисмоний шахслар томонидан инвестиция киритиб, унга эғалик ҳуқуқини олиш деярли имконсиз масала эди. Бугунги кунга келиб эса Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорларида корхоналарда давлат иштирокини камайтириб, уларнинг улушларини хусусий секторга сотиш орқали самарали бошқарув тизими ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш масаласи кўндаланган қўйилмоқда. Хусусийлаштириш жараёнлари бўйича ягона давлат органи ҳисобланган Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоятининг бир қатор корхоналарида ташкил этилган пресс-тур давомида журналистларни бу борада олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

Бозорларда рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда хариддорларни жалб қилишнинг асосий воситаси сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ишлаб чиқариш корхоналари замонавий, қўшимча ресурсларни тежовчи техникалар билан таъминланган бўлиши керак. Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ана шу жиҳатларни назарда тутди.

Айни пайтда мамлакатимизда 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар мавжуд бўлиб, уларни хусусий секторга сотиш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ўринбосари Камолитдин Тоирбеков. — Хусусан, Тошкент вилоятида 1 сўм ва харид қийматида "Е-його аукцион" савдо майдончасига 205 та давлат активи оммавий савдога чиқарилди. Уларнинг аксарияти шаффоф тизим орқали тадбиркорлар томонидан сотиб олинди, самарали иш фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 2020 йилда 553 та давлат мулки объекти электрон тарзда эълон қилиниб, шундан 353 таси кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига уч тоналма ижара шартномаси орқали ижарага беришга эришилди. Бунинг натижасида 1630 та янги иш ўрни яратилди.

ИНВЕСТИР КОРХОНАГА ЯНГИЧА РУХ ОЛИБ КИРДИ

Тошкент вилоятидаги йирик объектлардан бири бўлган "Тўйтепа металл қурилмалари" акциядорлик жамиятининг 84,4 фоиз давлат улуши сотувга қўйилган эди. Очiq тарзда ўтган аукцион жараёнида умумий майдони 10,09 гектар бўлган корхона маҳаллий тадбиркор 20 миллиард сўм қийматида ҳамда 4 миллион АҚШ доллари маблағ киритиш талаби билан харид қилди.

Завод бош муҳандиси Баҳодир Қодировнинг айтишича, корхонани тубдан янгилаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида ўтган йили 520 минг АҚШ доллариға тенг даст-қўшлар олиб келинди. Уларнинг айримлари, хусусан, металл варақларини букиб, айлан-тирадиган қурилма, лазер ёрдамида ҳар хил шаклда кесадиган ускуналар ноёб ҳисобланади. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 йилда 60-70 минг тоннаға мўлжалланган.

Ҳозирги кунда заводда 50 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда, халқ ҳужалиғига зарур бўлган махсус техникаларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Масалан, ичимлик сувни ташиш, йўл ювиш ва тозалаш ҳамда 8 куб метр сийимдаги қичқини машиналари сифат ва қўлайлик жиҳатидан шу турдаги исталган техникалар билан бемалол рақобатлаша олади. Уларнинг асоси Самарқанд автомобилъ заводида сотиб олинди, зарур техник қисмлар билан бойитилди. Ичхам, аммо сийими катта бу ускуналар бозорда анчайин талабдор бўлиб бормоқда.

Заводда 245 киши доимий иш билан таъминланган. Келгусида бўш иш ўринлари сонини янада ошириш режалаштирилган. Асосийси, заводга янгича рух кириб келмоқда ва у яқин келажакда энг замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга, маҳсулотлари билан дунё бозорларига чиқадиган корхонаға айланса, ажаб эмас.

"ЭСКИРГАН УСКУНАЛАР БИЛАН РАҚОБАТГА ДОШ БЕРА ОЛМАЙМИЗ"

2021 йил якунига қадар республика бўйича жами 1501 та объект хусусийлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, улар орасида "Янгийул ёр-мой" АЖ корхонаси ҳам бор. Мамлакатимизда ўз ўрни ва ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур заводда, асосан, пахта чигити қайта ишланиб, қадокланган ўсимлик ёғи, ҳўжалик совуни, чорва моллари учун озуқа еми ишлаб чиқарилади. Акцияларининг 51 фоизи давлат улуши бўлиб, афсуски, корхона ускуналари анча эскириб, ишлаб чиқариш қуввати пасайган. Пресс-тур иштирокчилари мазкур заводда бўлиб, ҳозирги жараён билан бевосита танишди.

— Корхона бир кунда 400 тоннагача чигитини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, бу ерда 600 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Шўхрат Асанбоев. — Лекин тўлиқ қувватда ишлашимиз ҳамда хомашё етказиб берилиши билан боғлиқ айрим муаммолар бор. Завод ускуналари анча эскирган. Бугунги даврда эски ускуналар билан ишлайдиган корхоналарнинг рақобатга дош бериши қийин. Шунинг учун ускуналарини замонавийларига алмаштириб, заводни тўлиқ модернизация қилиш зарур.

Бугунги кунда объектларни хусусийлаштириш бўйича республика бош прокуратураси раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, завод тўлиқ халтовдан ўтказилди ва айни вақтда баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бундай корхоналарнинг хусусий сектор қўлига ўттиши бозорда рақобат муҳитини ошириб, дастурхонларимизнинг сифатли, арзон маҳсулотлар билан бойишига йўл очади.

РАҲБАРЛАР ХОДИМЛАРИГА "ҲИСОБ" БЕРАДИ

Янгийул туманидаги "Биокиме" корхонасида ҳам давлат улуши 51 фоизни ташкил этади. 1994 йилдан бўён акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритаётган мазкур корхонада истеъмол ва техник спирт ишлаб чиқарилади. 2016 йилдан бошлаб корхонада янгича корпоратив бошқарув тизимининг жорий қилиниши самарадорлик қўрсаткичларининг бир неча баробарга ўсишига олиб келди.

— Корпоратив бошқарув тизими янги термин бўлиб, авваллари ташкилотларда бундай ёндашув бўлмаган, — дейди "Биокиме" корхонасининг қўмлатли қозғолар бўйича мутахассиси Муҳаддас Қоратоева. — Бу тизимнинг ўзига хослиги шундаки, унда раҳбарнинг ҳар бир ходим олдидаги ҳисобдорлиги таъминланади, корхона даромадлари, сарф-харажатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бериб борилади. Ҳар чоракда жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси ва ижро органи самарадорлигининг муҳим қўрсаткичлари баҳолиниб, натижаларни расмий веб-сайтларда қўрсатилади. Корпоратив бошқарув тизими жорий қилинган, жамиятимизнинг ташкилий тузилмаси, ички корпоратив низомилари қайтадан қўриб чиқилди. Қўзғатув кенгаши таркибида янги қўмиталар ташкил этилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш, балки бошқарув соҳасида ҳам тизимли, очiq ва шаффоф иш олиб боришга олиб келди.

Янгича бошқарув тизимининг жорий этилиши билан корхона даромадлари бир неча баробарга ошганини ушбу рақамлар ҳам қўрсатиб турирди. Жамиятининг ўтган йилги даромади ундан аввалги йилларға нисбатан 30 фоизга ўсган. Хусусан, 2020 йилда 230 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилиниб, жами йиллик фойда 22,5 миллиард сўмни ташкил этган. Бу йилги режалар қўлами янада катта.

Бир вақтлар олинган фойданинг катта қисми раҳбарларнинг чўнтағига кирган бўлса, бугун корхоналарда яратилаётган шаффоф корпоратив бошқарув тизими натижасида улар аниқ ҳисоб-китоб қилиниб, самарали сарфланмоқда. "Биокиме" АЖ ҳам олинган фойда ҳисобидан 340 нафар ишчини муносиб рағбатлантириб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кўнгилдагидек йўлга қўйган. Зеро, корхоналарни хусусийлаштириш нафақат замонавий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, балки аҳолини иш билан таъминлаб, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.



2019-2020 йилларда ходимларимиз "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендияси, "ВОМСА-9" дастури, Божхона университетлари халқаро тармоғи дастурлари доирасида хорижий давлатларда малака ошириб қайтди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР АСЛО УРФДАН ҚОЛМАЙДИ

Алишер ИНАКОВ,
Тиббий-ижтимоий
хизматлар
агентлиги директори

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 7-бандига мувофиқ, Президентимиз мамлакат тарихида тўртинчи мартаба Олий Мажлисга ҳамда халқимизга Мурожаатнома йўллади. Кенг қамровга эга, ҳаётимизнинг қарийб барча жаҳасини қамраб олган ушбу тарихий ҳужжатда ўтган йил давомида бажарилган ишлар ҳамда 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида дахлдор асосий вазифалар баён этилди.

Энг муҳим ва долзарб қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, инсон манфаатлари ҳимоясини янада такомиллаштириш, халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган самарали ишларни рўйбга чиқариш, жамиятдаги мавжуд муаммоларни тез ҳал этиш кераклиги айтилди. Фуқароларнинг ёрдамга муҳтож қатламлари — кексалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган инсонларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш масаласида ҳам қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ҳамда унинг ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматлар бўлинмалари, туман (шаҳар) шўбалари зиммасига ўта масъулиятли вазифа юклатилганидан далолат беради. Боиси, Ўзбекистон Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ва унинг бўлинмалари, туман (шаҳар) шўбалари ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувиغا қўмаклашиш, жисмоний имконияти чекланганларга ижтимоий ёрдам беришга масъул.

Демак, агентлик 2021 йилда ҳам қонунчиликда белгиланган фаолияти доирасида янада салмоқли, самарадорлиги юқори бўлган қатор вазифаларни бажариши лозим.



ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ

“ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН БОР КУЧИМИЗНИ БЕРАМИЗ”

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Боғот туманидаги Қулон Қорабўғ қишлоғилик меҳнат фахрийси Комил Абдиримов бутун умри давомида электр таъминоти тизимида ишлаган, атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз қараш бор. Кўни кеча бир кичик даврада у шундай деб қолди: “Етмиш беш ёшга қиряпман. Сўнгги тўрт йилда онгли умримда қўрмаган воқеалар сўдир бўлганди, бунёдкорлик жараёни ортидан кузатишга улуғурмайсан одам. Ҳамма ёқда қарантин бўлиб ётган даврда қишлоғимизда учта болалар боғчаси ишга тушди. Олдинлари ўн йилда битта боғча қурилса, қувониб юрардик. Урганчга уч ой деганда йўлим тушди, айрим кўчаларни танимай, адашиб қолдим. Қайга қараманг, беш-олти ва ҳатто етти қаватли бинолар жадал суръатларда қад ростламоқда...”

Унинг гапини кўпчилик маъқуллади. Қарилки таштиладики муаллим Ражаббой ака Қўрғоёв ҳозиргина тадбирда қатнашганини айтиб, у ерда эшитган янгиликларидан сўз очди: “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” шiori остида аjoyиб тадбир бўлди мактабимизда. Урганч давлат универ-

ситети профессор-ўқитувчиларидан иборат тарғибот гуруҳи келган экан. Домлалар йиғилганларга ўтган даврда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй берган янгиликлар ҳақида маълумотлар айтди. Аслида бу маълумотларни ўзимиз ҳам қўриб-билиб турибмиз. Телевизорни қўйсанг, қайсидир

ҳудудда янги иншоот фойдаланишга топширилиши жараёнидан лавҳа кўрсатади. Мени ва бошқа иштирокчиларни амалдаги йилда вилоятимизда ишга туширилаётган янги лойиҳалар қизиқтирарди. Президентимиз Ҳоразмга таширфи чоғида шундай топшириқлар берибдики, бу йилнинг ўзида мингга яқин лойиҳа ишга тушаркан. Бу мингта янги қорхона, манглаб ишчи ўринлари дегани! Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу йил ва яқин келажақда қилиниши керак бўлган ишларни аниқ белгилаб, бу борада дастурлар қабул қилишда ташаббускор бўлди. Сизларга айтсам, бу боришда яна кўпи билан тўрт-беш йилдан кейин болаларимиз иш излаб бошқа юртларга бормайди. Ўзимизда ишлайди, рўзгорини боқайди. Янги Ўзбекистон деганда мен шуни тушундим!”

Урганч Давлат университети доценти И. Абдуллаева Урганч туманидаги 1-муқса қ ва санъат мактабида Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини, унда белгилаб берилган вазифалар бўйича ўтказилган тарғибот тадбиридан сўнг ўз таассуротларини ўртоқлашди:

— Ҳозирги глобал ахборот замонида тингловчиларни қуруқ гап билан залда ушлаб ўтириб бўлмайди. Одамларга факт ва рақамлар керак! Кеча нима ишлар бўлди — бу ҳаммага аён. Хўш, эртага қандай ўзгаришлар бўлади? Давлатимизнинг чекка ҳудуди ҳисобланмиш воҳамиз аҳолиси ўз тирикчилигини шу ерда ўтказиб, фаровон яшай



— Ҳозирги глобал ахборот замонида тингловчиларни қуруқ гап билан залда ушлаб ўтириб бўлмайди. Одамларга факт ва рақамлар керак! Кеча нима ишлар бўлди — бу ҳаммага аён.

оладиларми? Бунинг учун нилар билан қилиш керак? Ана шу ҳақли саволларга аниқ факт ва рақамлар билан жавоб айтсангиз, қарсақлар остида қолиб кетасиз. Бугунги учрашувда биз домлалар вилоятда давлат ва



Республика бўйича ногиронлиқни белгилувчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари тизими ташкил этилади. 18 ёшгача болаларга “ногиронлиги бор” деган ҳулосани берувчи педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти йўлга қўйилади. Ногиронлик аломатлари яққол кўриниб турган, нохуш клиник ташхисга эга фуқароларга ногиронлиқни бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда белгилаш тизими жорий қилинади.



Алоҳида рўйхатга олинган, ўзгалар парварига муҳтож ҳамда ёлғиз истикомат қилувчи пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан доимий хабар олиш тизими янада қучайтирилади. Уларнинг ҳаётини мазмунли ташкил этиш борасида кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар қўламини кенгайтирилади. Ижро этувчи ҳокимият вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўзгалар парварига муҳтож, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича ишлар янада такомиллаштирилади.

Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштириш учун маблағларни жалб этишга оид ишларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзaro ишчи ҳамкорлиги таъминланади. Республикаимиздаги барча аэропортларда Халқаро авиатранспорт ассоциациясининг талаблари ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратилишга қаратилган ишлар янада шиддат билан давом эттирилади.

Ҳар йили навбат асосида уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар, республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчилар, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига қалинган ва уни бошдан кечирган ёки Чернобыль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган фуқаролар, ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар, ёлғиз кексалар санаторийга йўланмалар билан таъминланади. Эътиборлиси, ушбу йўналишда ҳам қатор самарали ишлар бажарилмоқда. Масалан, ўтган йили Қашқадарё ҳамда Ҳоразм вилоятларида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар бири юз ўринли бепул санаторийлар ишга туширилган бўлса, 2021 йилда Бухоро вилоятида худди ана шундай санаторий фойдаланишга топширилиши юзасидан саъй-ҳаракатлар бошланди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, ҳозирги кунда республикаимизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандимиз бор. Уларнинг таълим олиши, муайян касбни эгаллаш учун қўмаклашиш, оғир касалликка қалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда

ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлашдек долзарб, масъулиятли, шарафли вазифалар ҳам кун тартибига қўйилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволашига муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Бу борада агентлигимиз ва Халқаро меҳнат ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегия концепцияси ишлаб чиқилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли болалар ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда, санаторий туридаги мактаб-интернатларда таълим-тарбия олаётган, ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳолидан хабар олиш борасидаги ишлар қўламини оширилади. Брайль ёзувидаги китоблар чоп этиш, аудиокитоб яратиш каби вазифалар янада жадаллик билан бажарилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларида тўсқинликсиз кириши ва фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида махсус акциялар, ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бепул юридик маслаҳат хизматларини мунтазам ташкил этишга жиддий эътибор қаратилади.

Шунингдек, одам савдоси оқибатида жабрланган фуқароларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва кейинчалик ижтимоийлашуви бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан самарали ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилган. Айни жараён бўйича манзилли чораларни қўриш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳам такомиллаштирилади.

Бу каби эзгу амалларни, хайрли ишларни бажаришга ҳамкор ташкилотлар ҳамда саҳоватпеша ҳамюртларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшади. Барчамиз “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган ягона мақсад атрофида бирлашиб ишлаймиз.

Тарғибот тадбирлари режали равишда барча аҳоли масканларида бўлиб ўтмоқда. Яна бу тадбирларга “Янги марралар, яқил қадамлар” деган муносиб шиор топилганки, рўй бераётган воқеликни тўлиқ ифода этади.

маҳаллилаштириш дастурлари доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ва аллақачон амалиётга айлана бошлаган янги лойиҳалар ҳақида гапирдик. Қисқа маърузаларимиз бир неча бора қарсақлар билан бўлинди. Бу ниманинг белгиси? Одамлар юртимизни том маънода янгилашларга бошлаётган жараёнлардан миннатдор. Ахир воҳа бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бунди қўриш учун узоққа боришга ҳолат йўқ — ҳар бир маҳаллада дуч келасиз бу жараёнларга. Ана шундай амалий тадбирларда иштирок этиш одамга завқ ва қўшимча куч бағишлайди. Ҳар кўни камида учта манзилда ташкиллаштирилаётган тарғибот тадбирлари қандай ўтганини билмай қолсан. Кайфият чоғ бўлганидан, чарқоқни ҳам сезмайсан киши!”

Боғот туманидаги “Оқтепа” маҳалласида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тарғибот тадбиридан сўнг ёшгина йигитни суҳбатга тордик. Ўзини Рашид Ботиров, деб таништирган йигитнинг кўзлари қақнаб турарди:

“Ўтган йили баҳорда туман ҳокимлиги оиламиз “темир ҳафттар”га киргани учун бизларга ўттиз сотих ер берганди. Шу майдондан икки тоннадан зиёд шой олдик. Бунди пулга қақсангиз ўн беш миллион сўм бўлади. Шу иш бошида турган Президентимизга раҳмат! Бугун тадбирда қатнашиб, билдимки, йил давомида юзлаб янги қорхоналар ишга тушаркан. Биз ёшлар учун бу янги иш ўринлари дегани. Энди уизлар ўз юртимиз равнақи учун бор кучимизни берамиз — Янги Ўзбекистон бунёд бўлишига ҳиссамизни қўшамиз!”

Тарғибот тадбирлари режалари равишда барча аҳоли масканларида бўлиб ўтмоқда. Яна бу тадбирларга “Янги марралар, яқил қадамлар” деган муносиб шиор топилганки, рўй бераётган воқеликни тўлиқ ифода этади.

Ва яна тарғибот тадбирлари ҳаво илиб кетган кунларга тўғри келяпти. Бугун табиатнинг шу элда яшайётган инсонлар кайфиятига ҳамроҳлиги белгиси эмасмикан?

Сизларга айтсам, бу боришда яна кўпи билан тўрт-беш йилдан кейин болаларимиз иш излаб бошқа юртларга бормайди. Ўзимизда ишлайди, рўзгорини боқайди. Янги Ўзбекистон деганда мен шуни тушундим!”

